



MILLIY TIKLANISH

29 (350)

2015 йил 22 июль, чоршанба

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЎзМТДП — www.mt.uz Тахририят — www.milliytiklanish.uz

2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

"Миллий тикланиш соврини учун" ўтказилган спорт мусобақалари ёшларнинг жисмоний ва маънавий камолотига хизмат қилади

ЎзМТДП Сирдарё вилоят кенгаши тасарруфидаги қуйи бўғин ташаббуси билан кўчма кутубхоналар ташкил этилди

Мамлакатимиздаги 110 дан зиёд халқаро сайёҳлик йўналишининг 65 дан ортиғи айнан тарихий-маданий мерос объекти саналади

МУСТАҚИЛЛИК

24
ЙИЛ



Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним — Ўзбекистоним!

Муносабат

Энг улуг, Энг азиз айём

Мустақиллик байрамини ҳар йили халқимиз катта шодийна билан қарши олишини ҳар бир фуқаронинг порлаб турган кўзларида, юртимизнинг тараққиёти учун муносиб ҳисса кўшишига бўлган чексиз иштиёқи ва савий-ҳаракатида яққол кўриш мумкин. Зеро, бунинг учун барча асослар мавжуд. Чунки мустақилликнинг дастлабки йилларида, бунинг пухта ўйланган сиёсат олиб борилганини, ҳуқуқий демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти қуришга қаратилган аниқ мақсад сари қатъийлик билан, бугунги кунда ўзининг юксак самараларини бераётган Ўзбекистоннинг ўзига хос тараққиёт йўли — "Ўзбек модели" асосида мардонавор қадам ташлангани, тарихан қисқа муддат ичида асрларга тенг бўлган йўл босиб ўтилганини бугунги кунда нафақат халқимиз, балки бутун дунё ҳамжамияти эътироф этмоқда.

Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма тўрт йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарорида мамлакатимиз мустақиллик йилларида босиб ўтган йўлга яна бир бор назар ташланган. Дарҳақиқат, мамлакатимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини юксалтириш, шаҳару қишлоқларимизни янада ободонлаштириш борасида амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари, эришилган ютуқ ва марралар ўзини шу юрт фарзанди деб билган ҳар бир инсон учун чексиз фахру ифтихор бағишлайди.

> 2-бет.

Фракция йиғилиши



Миллий спорт турлари нуфузини ошириш

ҳамда халқ ўйинларини қайта тиклаш, ривожлантириш, ҳуқуқий асосларини шакллантириш қонун лойиҳаси муҳокамаси жараёнида асосий мавзуга айланди



Сирдарё МУЛЛАЖОНОВ оқган суратлар

Бугун мамлакатимиздаги 90 фоиздан зиёд ўғил-қизнинг вазни ва бўйга доир кўрсаткичлари Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти стандартларига тўла мос келади. Бу эса Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда миллат генофондини сақлаш ва яхшилаш, аҳолининг умр кўриш давомийлигини ва турмуш даражасини ошириш, соғлом авлодни дунёга келтириш ва тарбиялаш учун барча шарт-шароит яратилгани туфайлидир.

Зеро, ҳар томонлама соғлом авлодни тарбиялашда жисмоний тарбия ва спортнинг ўрни беқиёс, мамлакатимизда болаларнинг спорт билан шуғулланиши учун барча зарур шароитни яратиш ишлари изчил давом эттирилмоқда.

> 2-бет.

ЎзМТДП ҳаёти

Муҳим масалалар муҳокамаси

Нукусда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Қорақалпоғистон Республикаси кенгашининг навбатдан ташқари пленуми бўлиб ўтди. Унда ЎзМТДП Марказий кенгаши, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесидеги партия фракцияси аъзолари, халқ депутатлари Нукус шаҳар Кенгаши депутатлари, партия вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари фаоллари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Пленумда ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси ўринбосари Жалолиддин Сафоев сўзга чиқиб, истиқлол йилларида мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш, аҳолининг турмуш фаровонлигини юксалтириш, фуқаролар ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш борасида кенг қўламли ислохотлар олиб борилаётгани, бу жараёнда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ҳам муносиб иштирок этишга интилаётганини таъкидлади. ЎзМТДП Қора-

қалпоғистон Республикаси кенгаши ва Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесидеги ЎзМТДП фракцияси олдида турган муҳим вазифалар юзасидан фикр-мулоҳазаларини билдирди. Таъкидланганидек, бугун олдимизда турган долзарб вазифаларни амалга оширишда масъулиятли ва фаол бўлишни даврнинг ўзи такозо этмоқда. Қонун ижодкорлиги жараёнида партия фракцияси электротат ва ижтимоий қатлам манфаатидан келиб чиққан ҳолда иш юритиши, ҳуқуқни қўллаш амалиётига

этибор қаратиши, қонун лойиҳалари мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиши, назорат-таҳлил ишларини кучайтириши зарур. Халқ вакили бўлган депутатлар қонун лойиҳаларига давлатимиз ва сайловчи манфаатини назарда тутган ҳолда ёндашиши лозим. Қонунларни чет эл тажрибаси билан таққослаш, таҳлил қилиш, халқаро тажрибани ўрганиш жараёнида миллий манфаатларимиз нуктаи назардан ёндашиш, миллий ўзига хослигимизни инобатга олиш, айниқса, ЎзМТДП депутатлик бирлашмаси олдида турган муҳим вазифадир.

Пленумда ташкилий масала кўриб чиқилди. Тожибой Романов ЎзМТДП Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши раиси этиб сайланди. Пленумда кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Илья ДИЛЬМАНОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Депутатлар фаолиятдан

"— Маҳалламизда бугун катта тантана. Негаки, ал-Хоразмий ва Алишер Навоий марказий кўчаларини боғловчи Зах(Бўзсув) канали устига қурилган, бир мунча муддат аввал яроқсиз ҳолда бўлган, чамаси 20 метрли осма кўприк таъмирланиб, фойдаланиш учун топширилди. — деди Чирчиқ шаҳридаги Гулзор МФЙ раиси Тоир Зоҳидов. — Шаҳар ҳокимлиги, халқ депутатлари Чирчиқ шаҳар Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутатлар Саидкамол Орипов, Шавкат Қурбонов ҳамда бир гуруҳ маҳалла фаоллари бу эзгу ишни ниҳоясига етказишди."

Кўприк фойдаланишга топширилди

бунда халқ депутатлари Чирчиқ шаҳар Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутатларнинг муносиб ҳиссаси бор

Партиямиздан сайланган депутатларнинг ташаббускорлиги, амалий сайёҳаракатлари ифодаланган бу мақола Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳар ҳокимлиги муассислигидаги "Чирчиқ тонги" газетасининг 2015 йил 28 март сонидан эълон қилинган бўлиб, унда маҳалла раиси ҳамда аҳолининг мамнуниятини, бугунги кун депутатларига, сиёсий партияга бўлган ишончи сезилиб турибди.

> 4-бет.

Ушбу сонда:

Шахмат — спорт, фан ва санъат

ёхуд ўзбек ёшлари ҳар қандай соҳада энг юқори чўққиларни забт этишга қодир. Бунинг учун имконият, шароит ва катта иштиёқ бор



> 6-бет.

Сув — ҳаёт манбаи

уни эъзозлаш кадрият



> 7-бет.

Маънавият ва тафаккур маскани

...Очигини айтсам, кутубхонага бунчалик кўп китобхон келишини тасаввур қилмаган эдим




> 8-бет.



"Milliy tiklanish" газетасига обуна бўлинг!

Нашр кўрсаткичи — 158



"Milliy tiklanish" газетасини
www.milliytiklanish.uz
сайтида ҳам ўқинг!

ЎзМТДП дастури — амалда



Зиёрат карвони — бардавом

Халқимиз, айниқса, ёшлар маънавиятини юксалтириш, жамиятдаги барқарорликни мустақамлашга хизмат қиладиган лойиҳаларни амалга ошириш Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси сайловолди Платформасида алоҳида белгиланган. Бу лойиҳалар мурувват, меҳмондўстлик, меҳр-оқибат, ўзаро ҳурмат-эҳтиром, бағрикенглик, яхшилик ва саховатпешалик каби миллий хусусиятларимиз тарғиботида асосланади. Партиянинг “Зиёрат карвони” лойиҳаси ҳам айна шу мақсад рўёбига қаратилгани билан аҳамиятлидир. Партия ташкилотларида ушбу лойиҳа асосида ўтказилаётган тадбирларда асосий эътибор ёши улуг, нуруний ва ёрдამга муҳтож кексалар ҳолидан хабар олиш, улар кўнгилни кўтариш мақсадига йўналтирилмоқда.

Кексаларни эъзозлаш йили муносабати билан ЎзМТДП Хоразм вилоят кенгаши ташкил этган “Зиёрат карвони” ўз атрофида ЎзМТДП фаоллари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларга партиядан сайланган депутатлар, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси масъул ходимларини жамлади.

“Зиёрат карвони” дастлаб Урганч шаҳрида истиқомат қилувчи II гуруҳ ногирони, Ўзбекистон халқ ўқитувчиси Қодир Жаборберганов хонадонинда бўлиб, нуруний устоз ҳолидан хабар олинди. Қодир акага ногиронлик аравачаси ҳада қилинди.

— Бугунги тинч ва фаровон ҳаётимиз мустақиллик неъматини, давлатимиз томонидан олиб борилаётган

оқилонга сиёсат меъасидир, — дейди отахон фахр билан. — Бундай юртда фарзандлар ва набиралар, энг асосийси, давлатимиз эътибори ва гамхўрлигида қарилган гаштини сураётганидан мамнунман. Фарзандларим, ўқувчиларим, кўни-қўшни, маҳалладошларим доим хабар олишади, кўнгил сўрашади. Улар билан суҳбатлашсам, ёшариб кетгандек бўламан. Бу кунлар ўз-ўзидан келиб қолмагани, тинч ва фаровон ҳаётимизни асраб-авайлаш лозимлигини тақдорлашдан чарнамайман.

Шундан сўнг тадбир иштирокчилари Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги тизимидаги Мурувват уйда бўлиб, бу ерда истиқомат қилувчи кекса отахону

онахонлар, беморлар ҳолидан хабар олдилар. Улар билан суҳбатлашиб, эсдалик совғалари улашилди.

— Ёши улуг, кекса ва нурунийларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш, улар ҳолидан хабар олиш халқимизга хос эзгу фазилат ҳисобланади, — дейди ЎзМТДП Хоразм вилоят кенгаши раиси Баҳодир Бобононов. — Партиямиз кексаларга ҳурмат, ўзаро ҳамжиҳатлик, болаларга гамхўрлик каби оилавий анъаналарни жамиятдаги маънавий қадриятларнинг муҳим манбаи, деб ҳисоблайди. ЎзМТДП дастурий мақсадларида ўз аксини топган бу эзгу вазифани амалга оширишга қаратилган “Зиёрат карвони” лойиҳаси ҳам яхши анъаналарга айланиб бормоқда. Бу каби тадбирлар кекса авлод вакилларига гамхўрлик ва эътибор билан бир қаторда, ёшларга ибрат мактаби, уларни халқимизнинг эзгу қадриятлари асосида тарбиялаш воситаси бўлиб хизмат қилади.

Мурувват уйда бошланган давра суҳбати Хива туман маданият ва спорт ишлари бўлими томонидан тайёрланган концерт дастурига улашиб кетди.

Сабоҳат ЭШМУРОВА, халқ депутатлари Хива туман Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат:

— Инсон ёши бир жойга бориб қолганда қилган меҳнатнинг кадр топгани, эл-юртнинг хурмат-эътиборида бўлиши улуг саодат саналади. Бугун юртимиз кексалари ана шу саодат оғушида умргузаронлик

қилишмоқда. Кексаларни эъзозлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Конституциямизнинг 66-моддасида вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида гамхўрлик қилишга мажбур эканлиги белгилаб қўйилган. Дунёдаги ҳеч бир мамлакат ўз Конституциясида фарзанднинг ота-она олдидagi бурчига бу қадар эътибор кўрсатмаган. Бу эса юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар замирида инсон омили, унинг ҳуқуқ ва манфаатлари устувор эканини англатади. Бугунги тадбирда ҳам нурунийларга ҳурмат-эътибор кўрсатилди, улар дуоси олинди. Партиямизнинг бу тадбири ана шу улуг мақсад рўёбига ҳисса қўшиши шубҳасиз.

Нигора НУРЛАЕВА, ЎзМТДП вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси девони етакчи мутахассиси:

— Ҳар қандай жамиятнинг ёши улуг одамларга бўлган эътибори ва гамхўрлиги унинг маданий даражасини белгилайди. Нурунийларга меҳр-оқибат, ҳурмат-эътибор кўрсатиш маънавий ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланиб бормоқда. Кексаларни эъзозлаш йилида бу эътибор янги поғонага кўтарилди. “Зиёрат карвони” лойиҳаси нафақат кексаларга меҳр-оқибат кўрсатиш, уларнинг кўнгилларини кўтариш, балки партиянинг ғояларининг аҳоли орасига янада чуқурроқ кириб боришига имкон яратди.

Алишер РАҲМОН, “Milliy tiklanish” мухбири



ЎзА суратлари.

Бошлангич партия ташкилотлари — бош таянчимиз

Мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамиятини шакллантиришда сиёсий партияларнинг ўрни ва роли тобора ортиб бормоқда. Бу ислохотлар изчиллигини таъминлаш ва аҳолини ижтимоий-сиёсий жараёнларга кенг жалб қилиш билан чамбарчас боғлиқ. Партия ғоя ва мақсадларини аҳолига етказиш, электрот манфаатларини таъминлаш, ёшларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимини, ижтимоий фаоллигини ошириш, айниқса, кўйи бўғинлардан алоҳида фаолликни талаб этади.

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси бошлангич ташкилотлари фаолиятида мана шу мезон муҳим аҳамият касб этаётди. Кўйи бўғинлардан партия юқори ташкилотлари ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгаш сессияларига кўтариб чиқилаётган ташаббуслар аҳолининг партияга нисбатан ишончини оширмоқда.

Сирдарё вилоят Ахборот-ресурс маркази қoшида ташкил этилган бошлангич партия ташкилотиде партия дастурий мақсадларини аҳоли орасида тарғиб қилиш, ёшларни китобхонликка кенг жалб этиш, интеллектуал салоҳиятини юксалтиришга қаратилган ишлар самараларни йўлга қўйилган. Кўйи бўғин фаоллари ёш авлод камолотига хизмат қилувчи, хотин-қизлар ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширувчи, электрот манфаатлари таъминланшига қаратилган турли кўрик-танлов, маънавий-маърифий тадбирлар, давра суҳбатлари, ижодий учрашувлар ўтказиб келмоқда.

— Сиёсий партиянинг ғоя ва мақсадларини тарғиб қилиш, электрот вакилларини йўналтириётган масалаларни ўрганиб, уларнинг ечимини топишга кўмаклашишда кўйи бўғинлар фаоллиги муҳим аҳамиятга эга, — дейди партиянинг Гулистон шаҳар кенгаши раиси Замира Қаршибеова. — Бошлангич партия ташкилотларида электрот билан ишлашнинг замонавий услубларидан фойдаланиш,

Сирдарёда кўчма кутубхоналар ташкил этилди

кўйи бўғиннинг бу ташаббуси вилоятда оммалаштирилмоқда

кўйи бўғин сафига билимли ва малакали кадрларни кенг жалб қилиш, электрот манфаатларини ҳимоя қилиш борасида вилоят Ахборот-ресурс марказида ташкил этилган кўйи бўғинда муайян тажриба шаклланди. Бошлангич партия ташкилоти 24 аъзо ни бирлаштирган бўлса-да, уларнинг фаоллиги, ташаббускорлиги боис ҳудуд аҳолисини йўналтириётган масалаларга ечим топишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Кўйи бўғин фаолларининг аниқ ташаббуслари партия вилоят кенгашида муҳофаза қилиниб, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлар сессияларига ташаббус-масала сифатида қилиниши таъмин қилинмоқда.

Дарҳақиқат, кўйи бўғин фаолияти билан танишар экансиз, ўз ваколати доирасидаги вазифалар беқаму кўст бажарилаётгани, партия ғояларини тарғиб қилиш, тадбирлар ташкил этиш, жойларда аҳолини қизиқтириётган масалаларни ҳал қилишга кўмаклашиш борасида муайян натижаларга эришилганига гувоҳ бўласиз. Суҳбатдошимизнинг айтишича, яқинда кўйи бўғин фаоллари ЎзМТДП Сирдарё вилоят кенгашига янги ташаббус билан чиқилган. Шаҳардаги фуқаролар йиғинлари, корхона ва муассасаларда кўчма кутубхоналар ташкил этиш ташаббусини партия вилоят кенгаши қўллаб-қувватлаб, бу борда амалий сазъ-ҳаракатлар бошлаб юборилди. Айни пайтда Гулистон шаҳридаги бир неча маҳалла фуқаролар йиғинлари, “Болалар шаҳарчаси”, вилоят мусикали драма театри, фуқаролик ишлари бўйича Гулистон туманлараро суди, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши, “Баркамол авлод” болалар маркази, “Маҳалла” ҳайрия жамоат фонди шаҳар бўлинмаси, вилоят уруш ва меҳнат фахрийлари шифохонаси консултатив диагностика маркази бинола-

рида кўчма кутубхоналар ташкил этилди. Кўйи бўғин фаоллари ушбу ташкилот ва муассасаларни китоблар билан таъминлаб, ҳар ҳафтада уларни янгиликка алмаштириб боришни йўлга қўйишди.

— Кўйи бўғин фаолларининг ушбу ташаббусидан электрот вакиллари мамнун, — дейди халқ депутатлари Гулистон шаҳар Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат Нилуфар Эргашева. — Партиямиз сайловолди Платформасида ҳам бу масалаларга нисбатан қизиқишни кучайтириш, Ўзбекистон халқининг тарихи, маънавий-маданий меросига доир адабиётларни нашр этиш билан шуғулланаётган муаллифлар, босмаҳона ва нашриётларни қўллаб-қувватлаш, бу йўналишда ижодий ташкилотлар ва таълим муассасалари ўртасидаги алоқаларни янада мустақамлаш вазифаси белгиланган. Кўйи бўғинимиз ташкил этаётган янги адабиётлар тақдими, нашриёт маҳсулотлари кўргазмалари партиянинг ушбу дастурий мақсад-вазифаларини ҳаётга татбиқ этишда муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз.

Дарҳақиқат, таъсирчан ташаббуслар доимо аҳоли орасида қизиқиш уйғотади, қўллаб-қувватланади. Сирдарё вилоят Ахборот-ресурс маркази қoшида ташкил этилган бошлангич партия ташкилоти ташаббуслари ҳам электрот вакиллариде қизиқиш уйғотмоқда, қўллаб-қувватланаётди. Муҳими — изланиш ва интилишдан тўхтамаслик, аҳолининг партияга бўлган ишончини янада мустақамлаш. Бундай ташаббуслар бошлангич партия ташкилотлари фаолиятининг бош мезонига айланмоғи лозим. Шундангина партиянинг сайловда ЎзМТДПни қўллаб-қувватлаб, овоз берган хайрихоҳлари олдиде юзи ёруғ бўлади.

Шоҳида ДАМАНОВА, “Milliy tiklanish” мухбири

дент асарларини ўрганимиз”, “Кексалар эъзозимизда”, “Ота-онам билан биргаликда ўқиймиз”, “Оммавий маданиятга қаршимиз”, “Миллий қадриятлар — миллият бешиги” мавзусидаги тадбирларда партиямизнинг ёш аъзолари фаол иштирок этмоқда. Кўйи ташкилотимизда ташкил этилган “Китобхон оила” клуби аъзолари ҳам тадбирларимизда бош-қош. Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси сайловолди Платформасида ёшларда матбаачилик маҳсулотларига нисбатан қизиқишни кучайтириш, Ўзбекистон халқининг тарихи, маънавий-маданий меросига доир адабиётларни нашр этиш билан шуғулланаётган муаллифлар, босмаҳона ва нашриётларни қўллаб-қувватлаш, бу йўналишда ижодий ташкилотлар ва таълим муассасалари ўртасидаги алоқаларни янада мустақамлаш вазифаси белгиланган. Кўйи бўғинимиз ташкил этаётган янги адабиётлар тақдими, нашриёт маҳсулотлари кўргазмалари партиянинг ушбу дастурий мақсад-вазифаларини ҳаётга татбиқ этишда муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз.

Дарҳақиқат, таъсирчан ташаббуслар доимо аҳоли орасида қизиқиш уйғотади, қўллаб-қувватланади. Сирдарё вилоят Ахборот-ресурс маркази қoшида ташкил этилган бошлангич партия ташкилоти ташаббуслари ҳам электрот вакиллариде қизиқиш уйғотмоқда, қўллаб-қувватланаётди. Муҳими — изланиш ва интилишдан тўхтамаслик, аҳолининг партияга бўлган ишончини янада мустақамлаш. Бундай ташаббуслар бошлангич партия ташкилотлари фаолиятининг бош мезонига айланмоғи лозим. Шундангина партиянинг сайловда ЎзМТДПни қўллаб-қувватлаб, овоз берган хайрихоҳлари олдиде юзи ёруғ бўлади.

Шоҳида ДАМАНОВА, “Milliy tiklanish” мухбири

Баркамол авлод тарбияси

партия ташкилотларида ўтказилаётган тадбирларнинг бош мавзусига айланди

Қорақалпоғистон

ЎзМТДП Қонлиқул туман кенгаши ўтказган “Биз ёшлар “оммавий маданият” ва мафкуравий таҳдидларга қаршимиз” мавзусидаги давра суҳбатида ёшларни “оммавий маданият”нинг салбий иллатларидан ҳимоя қилиш, уларда интернетдан тўри фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш, ёшлар онгиде миллий анъаналаримизга чуқур ҳурмат руҳини сингдиришга алоҳида эътибор қаратилди.

— Глобаллашув жараёни ҳар томонлама чуқурлашаётгани, ахборот технологиялари такомиллашган сайин миллий қадрият ва анъаналарни сақлаб қолиш масаласи долзарб аҳамият касб этмоқда, — деди партия туман кенгаши аъзоси, Қонлиқул туман қишлоқ ҳўжалиги касб-ҳўнар коллежи директори А.Алламбергенов. — Ахборот алмашишуви мислиси тезлашган бугунги кунда Ғарбдаги айрим “марказлар” бошқа давлат ва халқлар ўртасида ёшлар маънавий оламига соя солишга қаратилган аудио-визуал “асарлар”ни жумладан, “оммавий маданият” унсурларини имкон қадар кенг ёйишга ҳаракат қилмоқда. Ушбу таҳдиднинг асосий мақсади аҳоли, айниқса, ёшларни миллий маданиятдан узоқлаштириш, дунёни бир тизим ва оқимга солиш, ўз бугунги мақсад-ғояларини сингдириш, маънавий беғоналашувни юзага келтиришдан иборат.

Тадбирда ёшларни ана шундай таҳдидлардан асраш, ЎзМТДПнинг бу борадаги мақсад-вазифалари ҳақида фикр алмашилди. Жумладан, партия юксак маънавиятга ва ахлоқи шахсини — соғлом авлодни тарбиялаш, уларни ватанпарварлик, миллий ғояга содиқлик руҳида камол топтириш каби эзгу ишларни ўзининг устувор вазифалари сифатида белгилангани таъкидланди. Бунинг учун партия ёшларнинг таълим олиш имкониятларини янада кенгайтиришни муҳим деб ҳисоблайди. Тадбирда ЎзМТДП Қонлиқул туман кенгашининг ёшларни Ватанга садоқат, меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялаш, уларнинг ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий ва маънавий билимларини мустақамлашга қаратилган режа ва вазифалари муҳокама этилди.

Самарқанд

Китоб инсон тафаккурига қанот, маънавиятига қувват бағишлайди. Шу боис, халқимиз ҳамиша фарзанд тарбиясида китобга таянади. Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси сайловолди Платформасида китоб тарғиботи, ёшлар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб-ташвиқ этишга алоҳида эътибор қаратилган.

ЎзМТДП Пайарик туман кенгаши “Ёшлар қаноти” ўтказган “Китобнинг ёшлар маънавиятини шакллантиришдаги ўрни ва аҳамияти” мавзусидаги тадбирда ана шундай фикр-мулоҳазалар ўртага ташланди. Унда партия фаоллари, халқ депутатлари Пайарик туман Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутатлар, “Ёшлар қаноти” етакчилари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

— Китоб инсонни ақлий ва маънавий камолотга етакловчи хазинадир, — деди ЎзМТДП Пайарик туман кенгаши раиси ўринбосари Маъруф Дўстбеков. — Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси сайловолди Платформасида навқирон авлодни, биринчи навбатда, китобга муҳаббат ва ҳурмат-эҳтиром руҳида тарбиялаш асосий вазифалардан бири сифатида белгиланган. Бу эса ёшларимизда китобга бўлган қизиқишни янада кучайтириш, халқимиз тарихи, маънавий-маданий меросига доир адабиётларни нашр этиш билан шуғулланаётган муаллифлар, босмаҳоналар, нашриётларни иқтисодий жиҳатдан рағбатлантириш, уларга солиқ ва бошқа тўловлар бўйича имтиёзлар беришга кўмаклашишни тақозо этади. Бу жараёнда, айниқса, барча даражадаги партия ташкилоти ҳамда ижодий ташкилотлар, нашриётлар ва таълим муассасалари ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик ва алоқалар муҳим ўрин тутди.

Тадбирда ҳудудий партия ташкилотлари китоб тарғиботида алоҳида эътибор қаратиши лозимлиги таъкидланди.

Бухоро

Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш, кенг имтиёзлар бериш мамлакатимизда хусусий секторнинг ривожланишига хизмат қилмоқда. Пировардида, юртимизнинг энг чекка ҳудудларида ҳам ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш субъектлари фаолият олиб бораётди. Бу аҳоли турмуш фаровонлигининг ошишида муҳим омили бўлмоқда.

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Шофиркон туман кенгаши ўтказган “Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш — ЎзМТДПнинг иқтисодий соҳасидаги устувор вазифаси” мавзусидаги давра суҳбатида ана шулар хусусида сўз борди. Тадбирда партия туман кенгаши аъзолари, туман хотин-қизлар қўмитаси, маънавий тарғибот маркази, “Камолот” ЕИХ туман кенгаши етакчилари ҳамда халқ депутатлари Шофиркон туман Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутатлар иштирок этди.

Давра суҳбатида маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш борасида партия туман кенгаши олдиде турган вазифалар муҳокама этилди. Партия туман кенгашининг партия гуруҳлари, тижорат банклари ва бошқа манфаатдор ташкилотлар билан мустақам ҳамкорликни йўлга қўйиш ҳақидаги иш дастури тасдиқланди.

Сурхондарё

Ҳар бир инсон бахтли ҳаёт кечирини орзу қилади. Бизнинг халқимизда бахт, аввало, хонадонимиздаги файзу барақа, оилаларимиздаги фаровонлик, тинч ва осуда ўтаётган ҳар бир кунимиз, ўғил-қизларимизнинг шўх-шодон кулгуси билан ўлчанади. Чунки истиқлол бизга берган энг катта неъмат ҳам ана шу тинч ва осуда ҳаётимиз. Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг Узун туман кенгаши ўтказган “Мустақиллик — ўзликни англашдир” мавзусидаги давра суҳбатида мустақиллик йилларида юртимизда миллий анъана ва қадриятларимизни асраш, уни келажак авлодга бус-бутун етказиш, ота-боболаримизнинг бой илмий меросини ўрганиш, тарихий қадим-қадимларимизни обод қилиш, муктасар айтганда, миллий ўзлигимизни англашга қаратилган ислохотлар амалга оширилгани алоҳида таъкидланди.

— ЎзМТДПнинг сайловолди Платформасида миллий ўзлиқни англашга алоҳида эътибор қаратилган, — деди партия Узун туман кенгаши раиси Усмонови Алиқуллов. — Шу боис ёшларимизни миллий анъаналарга ҳурмат руҳида тарбиялаш, уларга ота-боболаримиз адабий-илмий меросини кенг ва чуқур ўргатиш, ташкил этилаётган ҳар бир тадбирда ана шу жиҳатга алоҳида эътибор қаратиш — ҳудудий партия ташкилотлари олдиде турган муҳим вазифадир.

Тошкент шаҳри

ЎзМТДП Мирзо Улугбек туман кенгаши ўтказган тадбирда ҳам асосий эътибор аждодларимизнинг бой илмий меросини ўрганиш ва уни ёшлар ўртасида кенг тарғиб қилишга қаратилди. Маънавият ва тарғибот маркази туман бўлими билан ҳамкорликда ўтказилган “Тарих — улуг мураббий” мавзусидаги давра суҳбатида партия фаоллари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларга ЎзМТДПдан сайланган депутатлар, “Ёшлар қаноти” фаоллари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди. Тадбирда бой тарихий меросимизни навқирон авлод онгига сингдириш, уларни Ватанга садоқат, она юртга муҳаббат руҳида тарбиялаш ҳар биримизнинг долзарб вазифамиз экани қайд этилди.

— Буюк аждодларимизнинг илмий-маънавий меросини чуқур ўрганиш ва жaxon миқёсида тарғиб этиш борасида амалга оширилаётган ишлар навқирон авлодни ҳар томонлама баркамол этиб вояга етказиш ва жамиятимиз тараққиётини юксалтиришда муҳим омили бўлаётди, — деди ЎзМТДП Мирзо Улугбек туман кенгаши раиси ўринбосари Феруза Хайитова. — Зеро, буюк алломаларимиз, ота-боболаримизнинг ибратли ҳаёти ва фаолияти, бемисл илмий-ижодий кашфиётлари ҳақон ахлини ҳамон ҳайратга солаётгани сир эмас. Ана шундай алломаларни тарбиялаган заминда камол топаётган ёшларимиз уларга яратилган кенг имконият ва шарт-шароитлардан самарали фойдаланишлари, аждодлар номи билан фақат фахрланиб қолмай, балки ота-боболарига мос ва муносиб бўлишга интилишлари талаб этилади.

Ҳасан САЛОМОВ, “Milliy tiklanish” мухбири

Жаҳолатга қарши маърифат



Яхши хулқ — саодат калити

ёхуд селфимания ҳақида

ОИТС ҳақида хужжатли фильмда бир ҳолат эсимда қолган: вирус одам ДНКсига худди унинг шаклида ўрнашиб, сўнг организмдаги ахборотларни бузиб ташлайди. Моҳиятан, “оммавий маданият” ҳам шундай — аввал замонавийлик, “янги маданият” кўринишида халқ, айниқса, ёшлар ҳаётига кириб олади, кейин эса миллий қадриятлар тизими, неча асрлик анъаналарни, миллий ҳаёт ва тафаккур тарзи ни бутунлай издан чиқаради.

Бугун мамлакатимизда ёшлар тарбияси, маънавиятини юксалтириш, турли мафкуравий таҳдидларнинг олдини олиш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Бу жараёнда **Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси ҳам қатор ҳаётий лойиҳаларни тизимли ва изчил амалга оширмоқда. Бироқ “оммавий маданият”га қарши кураш танаффус ва тўхтаб биламайди. Зотан, аслида ҳам маънавий хасталиклар тузалиши бир неча авлод чекига тушиши бор гап.**

Шу асно таҳририятимизда бугун халқимиз маънавиятига хавф солаётган иллатлар моҳияти, сабаб-оқибатлари ва уларга қарши курашиш усуллари борасидаги долзарб мавзуларда туркум мақолалар тайёрланмоқда.

Илк мақоламизда бугун дунё афкор оммасини чуқур ўйлантириб қўйган ва айрим ёшларимиз ҳаётига ҳам алақачон ўрнашиб улгурган янги касаллик — селфимания ҳақида фикрлашамиз.

ЎЗИГА КУЧИ ЕТМАЁТГАНЛАР

16 ёшли ўспирин синфдошларидан ўлдириб, унинг фониде тушган суратини чет орқали дўстига юборган, хибсга олинди.

Темир йўлда яқинлашиб келаётган поезд фониде селфи олмоқчи бўлган уч талаба поезд тагида қолди, 18 ёшли қиз поезд томида зўр селфи оламан, деб тириклаин ёниб кетди.

Шифохона раҳбарияти ва ходимлари жароҳат олиб, кўнгилхушлик қилгани минглаб одамларнинг газабини келтирди.

21 ёшли йигит тўппонча ушлаб селфига тушаётган вақтида ўзини отиб қўйди.

Махаллий полициячи ортидаги киши кўприкдан сакрамоқчи бўлиб турган вақтда селфи олиб, кўнгилхушлик қилгани минглаб одамларнинг газабини келтирди.

21 ёшли йигит тўппонча ушлаб селфига тушаётган вақтида ўзини отиб қўйди.

Буллар — яқин орада дунёнинг турли бурчакларида юз берган кўнгилхушликликларнинг айримлари, ҳоло. Уларни фақат бир жиҳат билан қараётганимиз: аксизлик, маънавият таназзули, шовшувга мойиллик.

Холбуки, инсоният тарихидаги энг ривожланган даврда яшашимиз. Фан-техника тараққийи сабаб само бир қадам, инсон онги замин ҳаракатига таъсир кўрсатмоқда. Бироқ ҳамма нарсага ақли ва кучи етган одам ўзининг шунчаки хавойи истакларини олдиде ожиз қолмоқда. Нега?

КЎРМАГАННИНГ КЎРГАНИ ШУМИ?...

Польша ҳудудида жойлашган тарихда мудҳиш из қолдирган Освенцим номили ўлим лагери дарвозаси олдиде, Сиднейда террорчилар эгаллаб олган кафе, Гавайи ороллари яқинида ҳалокатга учраган авиалайнер фонларида тушилган селфилар энг бемаъни эмиш. Ҳарҳолда Буюк Британиянинг “Daily Mail” газетаси 2014 йил мана шундай рўйхат тузиди. Суратлардан бирида йигит марҳум буваси қабри олдиде, яна бир киз эса қўлида бувасининг хокини ушлаб кулиб турибди...


Яна қайсидир ташкилот “энг чиroyли селфилар”, бошқаси “энг ҳаяжонли селфилар” рўйхатини тузган. Бир актёр уч дақиқада 105 селфи олгани учун Гиннеснинг Рекордлар китобига киритилди. Агар соғлом ақл билан ўйлаб кўрилади, мана шунга ўшаганларнинг бемаъни рўйхат ва рекордлари боядидеқ фожиали ҳолатларни рағбатлантирмаймизми? Ана шундай рўйхатларга кириш истаги кимлар-

фотоаппарату мобил телефон кўпайиши билан нима учун суратга тушиш оддий эрмакка — маънавий таназзул омилига айланмоқда? Ҳатто ўн йил олдин ҳам суратга тушиш алоҳида юмуш саналар, одамлар камерага қарашдан олдин алоҳида тайёргарлик кўрардику. Ҳ “класс”у “лайк” йиғиш шунчалар кўзларни кўр, қўлоқларни кар қилиб қўйдими? Ёки гўзал манзараларда суратга тушишдан зерикиб улгурдикми? Ёхуд кўрмаганнинг кўргани шуми?..

Суратга олиш, тушиш — шахсий иш. Бироқ бу сурат оммага улашлар экан, шахсийлик доирасидан чиқиб ижтимоий аҳамиятга эга бўлади. Сурат муаллифига маънавий-ижтимоий жавобгарлик юкланади. Балки шунинг учун ҳам “селфи” тушунчасини айрим мутахассислар “ўзини ўзи нишонга олиш”, “ўзига жароҳат етказиш” тарзида изоҳлашаётгандир.

Хориж матбуотида янги руҳий хасталик — селфимания (ўзини суратга олишга ҳаддан ортиқ берилиш) ҳақида кўп гапирилмоқда. Бунга ҳатто қонуний йўللар билан тўсиқ қўйилмоқда. Дейлик, Европа Иттифоқи маъмурияти осори-атикалар олдиде селфига тушишни тақиқлаш масаласини кўриб чиқмоқда. Дунёдаги кўплаб йирик музейларда бу тақиқ алақачон амалга татбиқ этилган. АҚШда айиқлар билан селфига тушиш мумкин эмас. Нидерландияда футбол ўйини давомида ўзини селфи қилган футболчиларга сариқ карточка кўрсатилади. Британия қироллик оиласи эса селфи иштиқозлари шилқимликларидан безор: доимо қаршисида одамларнинг юзи эмас, балки бир дунё “iPhone” ва “iPad”ларни кўриш ноқулай эканини бир неча бор айтишмоқда.

Бироқ бундай тақиқ билан иш битмайди. Бизнингча, инсон онги, тарбиясига дахлдор бўлган бундай бемазагарчиликни маънавий озуқа, тафаккурни юксалтириш орқалигина тузатиш мумкин.



ЎЗИНИ КЎЗ-КЎЗЛАШДАН НИМА НАФ?

Яқинда Огайо университети олимлари 18-40 ёшли 800 эркекнинг ижтимоий тармоқларга селфи жойлаш чоғидаги хатти-ҳаракатларини ўрганиб, уларнинг аксариятида телбаллик (психопатия) ва худбинлик аломатлари борлигини таъкидлашди. Ёки Россия наркологи диспансерида айнан селфи илхосмандларини руҳан қўллаб-қувватлашга мўлжалланган хизмат ташкил этилган.

Селфи олишга муккасидан кетиш — бу ўз-ўзига махлиёллик, худбинликка берилишдан бошқа нарса эмас, — дейди психолог Азиза Абдуназарова. — Нарцисс ҳақидаги афсона эсингиздами: кун бўйи сувадга ўз аксига махлиё бўлиб турган Нарцисс охир-оқибат сувага тушиб, қўкиб кетди. Ёки яна бир эртақда уззу-кун кўзгу олдидан жилмайдиган малаикани кўзгудаги ўз акси ҳалок қилади. Бугун эса миллионлаб янги аср нарцисслари сув ё кўзгуга эмас, фотокамера объективига термулиб қолган.

Аслида ҳар қандай тараққийёт маҳсули инсоннинг ўзини англашига ёрдам бериши керак. Автопортретда айнан

шу жиҳат бор. Бугунги замонавий фото-видео технологиялар орқали унга бемалол эришиш мумкин. Бироқ селфига ҳаддан ортиқ берилиш, шубҳасиз, руҳий муаммо. Одатда, хатоларини тан олгиси келмаган, бирор иши юришмаган ё аламзада кишилар шу йўл билан ўзини овутишга, алдашга уринади. Бошқаларни ҳам ишлари жойида эканига ишонтирмоқчи бўлади. Оқибатда, ўзи шундоқ ҳам ечимсиз муаммоларга руҳий огирлик ҳам кўшилади — тугун баттар чигаллашади.

Психологлар бугун селфимания хасталиги уч босқичда (номунтазам, ўткир, сурункали) ривожланишини айтишмоқда. **Номунтазам босқичда** киши бир кунда ўзини уч мартагача суратга олади, бироқ уни ижтимоий тармоқларга жойлаштирмайди. **Ўткир босқичда** эса ўша суратлар ижтимоий тармоқларга юкланади. **Сурункали селфиманияда** эса киши ўзини тасвирга олиш истакларини идора қила олмайдиган ва кунига 6 тадан кам бўлмаган суратларини интернет орқали бошқаларга кўрсатади.

Масалан, англиялик 20 яшар йигит бу эрмакка шунчалик берилиб кетадики, кунига бир-бирини такрорламайдиган ҳолат ва жойда 200 селфи олишгача боради. Оқибатда ўта кучли руҳий зўриқишга учраб, касалхонага тушади. Селфига қарамликдан қўтилиш учун у анча даволанишига тўғри келди. Ёки яна бир хориж мамлакатиде нонга селфи тушириб берадиган тостер тайёрлаб берилмоқда. Ўз сурати муҳрланган нонни еётган одамни руҳан соғлом дейиш мумкинми?! Мана, сизга жиддий руҳий-маънавий инқирозга ёрқин мисол!

Бугун селфи инсонларга ҳатто тиббий, иқтисодий-ижтимоий жиҳатдан ҳам етарлич зарар етказмоқда. Масалан, тиббиёт мутахассислари гуруҳ бўлиб селфи тушиш мақсадида таналарнинг бир-бирига яқинлашиши паразитларнинг юқишига — педикулёз касаллиги тарқалишига сабаб бўлиши мумкинлигини айтишмоқда. Ёки ўтган йили хориждаги пишлоқ чиқарадиган бир қорхонада сут тўла ваннага тушиб, ўзларини селфи қилган икки-уч ишчиларнинг дастидан ўша қорхона маҳсулотлари оммавий “бойкот”га учрашига сал қолди...

Шаҳар четроғида бир куни автомобиллар тўқнашиб кетиб, ҳайдовчи жароҳат олди. Қарасам, юзи қон ҳайдовчи ёрдам бериш ўрнига уч-тўрт томошабин (улар орасида катта ёшлилар ҳам бор) уни суратга олиш билан овора, — дейди қибрайлик Жаҳонгир Йўлчиев. — Айниқса, бир ўспирин ҳайдовчи “Ака, қўлингизни олиб туринг, қон оқаётганини кўринмай қоляпти...”, деса бўладими? Жаҳлим чиқиб, уни суриб ташлаб, ҳайдовчига ёрдам бердим. Йигитчалар ҳатто унинг юзини юваётганимни ҳам суратга олишди. Энди бунга куласизми ё куясизми...

ЎЗИНГИЗГА КУЧИНГИЗ ЕТАДИМИ?

Психологларнинг айтишича, селфиманиядан қўтилиш учун, аввало, **“Нима учун суратга тушяпман?”**, деган саволга жавоб излаш керак. Ахир одам тасвирга тушиб, ҳаётдаги ёрқин хотираларини ўзи учун тарихга муҳрлайдику. Бирор сурат ё видеони кўрганда руҳий тиниқиш ё энгиллик эмас, ноқулайлик ва ўзингиздан норозилик хис қилар экансиз, уларнинг бахриддан воз кечасиз. Балки, яхшиси, бунинг олдини олган — нобоб ҳолатда суратга тушишдан тийилган маъқулдир.

Куйни куй билан энгадилар. Селфининг ўзағида худбинлик ётар экан, бу кунчи эзгу мақсадга қаратилш лозим. Бунинг учун **“Шунинг менга, оиламга қандай фойдаси бор?”**, деган саволга жавоб изланг. Дейлик, кунига ижтимоий тармоққа ўртача 6 сурат жойлаштиришнинг, ҳар сурат остида ўртача 5 тадан изоҳ ёзилди (улар орасида шаънингизга тегадиган, асабингизни бузадиганлар ҳам бўлмаслигига қафолат йўқ). Кунига шунча сурат жойлаган одам, табиийки, 30 изоҳга жавоб ҳам беради, беҳуда баҳслашади, жиғибийрон бўлади. Бунга ўртача уч соат вақт керак, деб олсам ҳам шунча муддатда битта қисса ё тўрт-беш ҳикоя ўқиш ёки яхши бир фильм томоша қилиш ҳам мумкин.

Ҳар баҳорда деҳқон боғидаги дов-даракларни бутайди: ортиқча бачкиларни, шохларни кесиш ташлайди. Натижанда, даракт янада тикроқ бўй чўзади, кўпроқ мева солади. Бунинг теран ҳаётий маъноси бор: одамзот ҳам ҳаммаша ўз ботинидаги ёвус майллари худди шундай “бутаб бориши” лозим. Ахир олов билан таом тайёрлаш ҳам, ўт қўйиб юбориш ҳам мумкин. Ахир нафс ҳаммаша охири вайл (мангу азоб) амаллар кўчасига етаклайди. Донолар айтганидек, ўз нафсини синдириб, тарбиялай олган одам яққа ўзи бир шаҳарни забт этган жунгичдан ҳам кучлироқдир. Ва унутманг: яхши хулқ ҳаммаша саодат калити бўлиб келган.

Умид ҒАҒУРОВ

Халқ дасталари

Халқона сўз ва оҳанглар жозибаси

Тажрибали журналист танишим бор. У билан кўришиб қолсам, гап айланиб, албатта тугилиб ўсган жойи — Бойсунга бориб тақалади. У Бойсун ҳақида ҳар гап завққа-шавққа тўлиб, гурур ва ифтихор билан сўзлайди: “Биласизми, Бойсуни Бойсун қилган фақат унинг гўзал ва нуриқор тоғлари, булуғу дарёлари, гўзал табиати эмас, балки нияти тоғдек баланд, кенг юракли одамлари, шоуру, ёзувчилари, раққосу раққосалари, ҳофизу санъаткорлари, қолаверса, “Шалола”дай халқ дасталаридир”, дейди у.



“Шалола” дейилиши билан дарров ҳаммамизга деярли ёд бўлиб кетган куй-қўшиқлар қулогимиз остида гоҳ кўнғироқ садоларидай жаранглайди, гоҳ саррин шабобадай ёқимли эшитилади...

Айланиб ёр, айлансин. Қошлари қаро айлансин. Олисларда қолсам ҳам Юрагимиз бойлансин. Яқку, яқку, яқку-яқ, Яқ-яқ яқку, яқку яқ..!

Кўшиқдаги жўшқинлик, самимият, халқона соддалик ва жозиба кўнғилга хуш ёқади. Кўтаринчилик, хузур бағишлайди. Бундай халқона қўшиқлар “Шалола” ашула ва рақс халқ ансамбли жамоаси репертуарида анча. Жамоанинг “Дўрс-дўрс”, “Хўп-хайда”, “Яқку-яқ”, “Уфу-уфу” каби қўшиқлари ва уларга ҳамоҳанг рақслари нафақат вилоят, балки мамлакатимиздаги кўплаб санъат илхосмандларининг қалбидан гоҳ олиб улгурган.

Ансамбль қошидаги мақомчилар гуруҳи 2006 йили Хоразмда ўтказилган мақом ва ашула ижрочилари республика танловиде иккинчи бор мутлақ голиб, деб топилган. Шунингдек, “Ўзбекистон куйлагай”, “Самарқанд садолари” каби республика кўрик-танловларида иштирок этиб, фахрли ўринларга сазовор бўлган.

— Дастуримиздан ўрин олган “Қиличбозлик”, “Бўз бола дорбозчи”, “Чиллак” ўйинлари йигитларни мард, ватанпарвар бўлиб улғайтиришда катта аҳамиятга эга, — дейди ансамблнинг бадиий раҳбари Ҳабиб Умаров. — “Усма кўйдим соз билан”, “Оқ теракми кўк терак”, “Момомнинг ўрмаги” каби қўшиқларимиз лобар қизларимизнинг касб-хунарга рағбатини оширади. Эътибор берсангиз, қизларимиз нимадир тўқиса ё кашта тикса, албатта, қўшиқ ҳиргойи қилади. Уланлар ва миллий хунармандчиликнинг ўзағи, бирлиги шундан: иккиси ҳам кўнғилдан яралади, кўнғилга сингади. Халқ ўйинлари куй-қўшиқларимиз ҳам уйғун ва ранг-баранг. Мавсумий куйларимиз, рақс ва қўшиқларимиз ёшларнинг халқ куйларига, миллий қадриятларимизга бўлган эътиборини кучайтирмоқда.

Бугун “Шалола” ашула ва рақс халқ ансамблини дунё танийди, унинг ҳар бир чиқишида Сурхон элининг асрий урф-одатлари, анъаналари акс этиб туради. Бу жамоанинг ёшлари ҳам устозларига муносиб шогирд бўлишга, азалий қадриятларимизнинг давомийлигини таъминлашга интиляшди.

Ансамбль фаолияти давомида жуда кўп кўрик-танловлар, халққаро фестивалларда голиб ва совриндор бўлган. Хусусан, Польшада бўлиб ўтган VIII жаҳон тоғли ўлкалар фольклор фестивалида “Кумуш болта” совринини қўлга киритган.

Миллий урф-одат ва анъаналаримизни турли ўйин ва куй-қўшиқлар орқали намойиш этаётган ансамбль иштирокчилари Франция, Англия, Россия каби давлатларда гастрол сафариде бўлиб, кўплаб хорижлик мухлислар олқишига сазовор бўлишган.

— Кичкиналигимдан бобом менга ўзлари билан халқ термаларини ёдлатган, куйлашни ўргатган, — дейди ансамблнинг энг ёш аъзоси Ҳусниддин Хурсандов. — Бу санъат турига қизиқишим ортганининг боиси ҳам шунда. Бугунги кунда яна кўплаб халқ термалари, фольклор санъатининг сирларини ўрганилман. Ниятим — воҳамиз санъатини келажакда янада кенг тарғиб қилиш.

Авлоддан-авлодга ўтиб, шаклланиб, қадрланиб келадиган миллий анъаналаримиз, урф-одатларимиз куйларда, қўшиқ ва рақсларда жонланиб, ёшлар онгига сингиб бормоқда. Бунда, албатта, “Шалола” ансамблининг ҳам ўрни бекиёс.

Фольклор қўшиқлари нисбатан меҳр, улардан завқланиш халққимизга хос хусусият. Фольклор қўшиқ ижрочилари ниҳоятда чечан, топқир бўлади. Ижро этилган қўшиқларда ҳамма нарса, масалан йил фасллари, маросим, урф-одат, анъаналар билан бирга, аниқ йўналиш ва жанр хусусиятларига ҳам алоҳида аҳамият берилади.

Бугун ансамбль Бойсун минтақасига хос бўлган қадимий халқ оззак ижоди бўлган “Беш таёқ”, “Қирқим”, “Соғим ва хўт” каби халқ қўшиқлари намуналарини йиғиб, сайқал бериб сахна кўринишида ижро этиб келмоқда. Шу билан бирга жамоа репертуаридан олиш тоғ қишлоқлари аҳолисига хос бўлган урф-одат, юрти билан фахрланувчи замондошларимизнинг бунёдкорлик ишлари, орзу-интиляшлари, қувончлари ифода этилган қўшиқлар ҳам ўрин олган.

“Шалола” каби ашула ва рақс халқ ансамбли халққимизнинг миллий анъана ва қадриятларини асраб-авайлаш, ёшлар қалбиде Ватанимизнинг қўхна ва бой маданиятидан фахрланиш туйғуларини мустаҳкамлашда муносиб ҳисса қўшиб келаётган. Зеро, миллий урф-одат ва анъаналаримизни ўзида мужассам этган, асрлар давомида оғиздан-оғизга ўтиб келаётган лапарлару ялалар, айтишуш ва ўйинлар миллий қадриятларимизнинг ноёб дурдоналаридир.

Наргиза ШАЙДУЛЛАЕВА, ЎзМТДП Сурхондарё вилояти кенгаши матбуот котиби

Сана

Шахмат — спорт, фан ва санъат

ёхуд ўзбек ёшлари ҳар қандай соҳада энг юқори чўққиларни забт этишга қодир. Бунинг учун имконият, шароит ва катта иштиёқ бор



У.А. сурати.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида баркамол авлодни тарбиялаш, унинг интеллектуал ва жисмоний салоҳиятини юксалтириш, спортчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга катта эътибор қаратилаётгани самарасида ёшларимиз халқаро мусобақаларда салмоқли натижаларга эришмоқда. Спортни, айниқса, болалар спортини ривожлантириш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир. Шахмат мамлакатимизда йил сайин оммалашиб бораётган спорт турлари сирасига қиради.

Ақл гимнастикаси бўлмиш шахматнинг келиб чиқиш тарихи қадимда Урта Осиё мамлакатларида уйналган чатуранга ўйинига бориб тақалади. Кейинчалик бу ўйин "шатранж" номи билан оммилашган. Хусусан, Алишер Навоий, Хондамир, Захриддин Мухаммад Бобур асарларида Амир Темур даврида кучли шатранжчилар Самарқандда тўпланиб, мусобақалар ўтказгани баён этилган.

1924 йил 20 июлда Халқаро шахмат федерацияси (FIDE) тузилди. 1987 йилда тузилган Гроссмейстерлар ассоциацияси кейинчалик Жаҳон шахмат кенгаши сифатида бир қанча мусобақа, жаҳон кубоги ва чемпионатларни ўтказиб келади. Мана шундай босқичларда ривожланиб келган шахматга бугун дунёда катта спорт тури сифатида эътибор қаратишмоқда.

Илмий тадқиқотларга кўра, шахмат давомли мантиқий фикрлашни ривожлантирувчи интеллектуал ўйинлар ичида энг мураккаби ва мукаммали бўлиб, замонавий компьютер ўйин дастурлари ҳам мантиқий фикрлашни ривожлантиришда у билан тенглаша олмайди. Шахматнинг ижтимоий мақоми, фалсафий ва психологик масалалари, фанлар билан алоқадорлиги йирик олимлар, нуфузли илмий марказлар томонидан узоқ йиллар давомида ўрганиб келинмоқда. Унинг жаҳон спорти сифатида тан олингани ҳам беҳиз эмас. Мамлакатимизда ҳам бу спорт тури ривожга олишда эътибор қаратиб келинаётгани спортчиларимизнинг халқаро миқёсдаги ютуқларида ҳам намоён бўлмоқда.

2004 йил Рустам Қосимжонов мамлакатимиз мустақиллигининг ўн уч йиллиги арафасида, тафаккур ўйинида энг юқори мартаба — жаҳон чемпионлигини қўлга киритиб, юртимизни шахмат бўйича жаҳон чемпионлари этишиб чиққан ўзинчи давлат сифатида тарих саҳифаларига муҳради. Рустам Қосимжоновнинг бу ғалабаси наинки бизда, ҳатто кўшни мамлакатларда ҳам шахматнинг яндала оммалашшига, шахмат билан шуғулланувчилар сонининг тобора кўпайишига сабаб бўлди.

Мамлакатимизда юқори нуфузли спорт анжуманларини юксак савияда ўтказиш яхши анъанага айланган. 2011 йили Тошкентда икки жаҳон чемпиони — Рустам

Қосимжонов ва Вишванатан Ананд ўртасида ўртоқлик учрашуви ўтказилгани Ўзбекистоннинг шахмат борасидаги улкан салоҳиятини ёрқин намойиш бўлди. Мазкур тадбирда иштирок этган FIDE президенти Кирсан Илюмжинов: "Ўзбекистонда спорт таълим-тарбия жараёнининг узвий қисмига айланган тахсинга лойиқ. Ўзбек шахматчиларининг халқаро майдондаги ғалабалари юртингизда ёш авлоднинг жисмоний ва маънавий жиҳатдан баркамол инсонлар бўлиб вояга етиши учун кўрсатилаётган улкан эътибор ва ғамхўрликнинг амалдаги ифодасидир", дея таъкидлади.

2012 йилда шахмат бўйича FIDE Гран-при мусобақасининг иккинчи саралаш босқичи ўйинлари Тошкентда ўтказилди. Бу тадбир шахмат муҳлислари учун унутилмас байрамга айланди. Иқтидорли ёшлар учун имкониятлар эшиги очилди. Мамлакатимизда шахматга эътибор ва яратилган шарт-шароит туфайли ўзбек шахмат мактабида етишиб чиққан олти нафар спортчилар FIDEнинг халқаро гроссмейстер унвонини олди. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда шахмат билан шуғулланувчилар сони 80 миндан ортиқни ташкил этади. Маълумотларга кўра, ҳозир Ер юзиде 900 миллиондан зиёд киши "Ақл гимнастикаси" билан шуғулланар экан. FIDE мутахассисларининг айтишича, яқин келажақда бу кўрсаткич 1 миллиардга етади.

Яхши шахматчи бўлиш учун оилада шахмат муҳити ҳам яратилиши керак. Юртимизда эса бундай оилалар кўп: олимлик Азимов, самарқандлик Хамроқуллов ва Воҳидовлар, сирдарёлик Хайлаев, андижонлик Каримовлар ҳақида кўп эшитганмиз. Бугун мамлакатимиз шарафини халқаро мусобақаларда оилавий ҳимоя қиладиган шахматчилар сафи янада кенгайиб бормоқда. Фарғоналик Мўминова, тошкентлик Абдусатторов ва Синдорвлар, хоразмлик Ёқубовлар ҳали мактабдалигидаёқ халқаро мусобақаларда эришяётган муваффақиятлари барчамизни хурсанд қилади.

1927 йилдан буён ўтказиб келинаётган шахмат бўйича аёллар жаҳон чемпионати янада Жаҳон шахмат федерацияси яна бир ўзбек шахматчиси Нафиса Мўминовага халқаро гроссмейстер унвони берилганини эълон қилди. 2013

йилнинг баҳориде Нафиса ўзбек хотин-қизлари орасида тарихда биринчи бўлиб бундай юксак унвонга эришди. Яна бир иқтидорли ўзбек шахматчиси Баҳора Абдусатторова эса Осиё шахмат федерацияси томонидан Осиёнинг 2013 йилги энг кучли шахматчиси деб топилди.

Шунингдек, 10 ёшгача бўлган болалар ўртасида голибликни қўлга киритган Нодирбек Абдусатторов Словениянинг Марибор шаҳрида шахмат бўйича мусобақада голиб чиқиб, жаҳон чемпиони бўлди. Грецияда бўлиб ўтган мактаб ўқувчилари ўртасида "рапид" — тезкор шахмат бўйича жаҳон чемпионатида ака-ука Исламбек ва Жавоҳир Синдорвлар голибликка эришиб бу кўрсаткични янгилади.

Ёш спортчиларнинг бу ғалабаси юртимизда фарзандининг шахмат билан шуғулланишини истовчи ота-оналар сони ошишига сабаб бўлди, десак хато бўлмайди. Шу ўринда мактаб ёшидаги болаларнинг шахматни ўрганиши, айниқса, ўн ёшгача бўлган болалар шахмат билан мунтазам шуғулланиши уларнинг таълим олишига салбий таъсир қилмайди, деган савол туғилиши табиий. Халқаро гроссмейстер Нафиса Мўминова бу ҳақда шундай дейди:

— Эришган муваффақиятларимда, ақл спортининг сир-асрорларини ўрганиб, шахматга бўлган қизиқишим ва меҳрим ортисида дадамнинг ҳиссаси катта. Болалигимдан ҳозиргача қатъий кун тартиби асосида иш олиб бораман, лекин бу менга қийинчилик туғдирмаган. Мактабда ҳам аъло баҳога ўқиганман. Менимча, ҳар бир ота-она фарзандининг қизиқишларига эътиборли бўлиш билан бирга бирор спорт ёки санъат турига жалб этиши лозим.

Нафисанинг гапида жон бор. Боиси бу борада кузатув олиб борган мутахассисларнинг фикрича, кучли шахматчилар барча фандан ўзлаштиришда илғор бўлишар экан. Шахмат ақл-заковат, ирода ва эътиборни бир жойга жамлаш, мумкин бўлган ўнаб, юзлаб комбинацияларни ўйлаб топишни талаб этади. Шахматчи боланинг ақли бошқа спорт тури билан шуғулланаётган тендошларига нисбатан тезроқ ривожланади, фанларни яхши ўзлаштиради. Балки у моҳир шахматчи бўлмас, лекин бошқа соҳаларда муваффақиятга эришганлар кўпчиликини ташкил этади. Шахмат нафақат тафаккур кураши, балки инсон табиати ва руҳияти кураши ҳамдир. Бу борада психолог ва педагоглар етарлича тажриба тўплаб, мақбул услубий тавсияларни ишлаб чиққан. Яъни шахмат билан шуғулланган бола "Бир ишни бошладингми, уни охирига етказ" қоидасини онг остида ўзлаштиради.

...ЎзМТДП сайловолди Платформасида жисмонан соғлом ёш авлоднинг тарбиялаб вояга етказиш, болалар ва ёшларнинг кенг қўламада спорт билан мунтазам шуғулланиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш, ёшларни уч босқичли тизимдаги оммивий спортга — "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" ва Универсиада мусобақаларига жалб этиши янада ривожлантиришга, шунингдек, мактаб ўқувчиларининг халқаро мусобақаларда иштирок этишишга кўмаклашиш устувор вазифа сифатида белгиланган. Мазкур дастурий мақсад-вазифалар рўёбига қаратилган "Миллий тикланиш соврини учун" спорт мусобақаси ҳам маҳоратли ва хаваскор шахматчиларни кашф этаятир. Асосий мақсад — навқирон авлодни ҳар жиҳатдан соғлом қилиб вояга етказиш. Зеро, фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлади.

Дилфуза РЎЗИЕВА, "Milliy tiklanish" муҳбири

Комиссия йиғилиши

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда нодавлат ношароит ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари шаклланиши ва изчил ривожланиши учун кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат ношароит ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссиясининг кенгайтирилган йиғилишида шу ҳақда сўз борди.



Самарали ижтимоий лойиҳалар

муносиб қўллаб-қувватланмоқда

ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди "Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастурида белгиланган вазифаларни амалга оширишга ННТни кенг жалб қилиш" танловиде ҳам жаами 210 ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари, жумладан, 21 оммивий ахборот воситаси иштирок этди. Улар 239 та ижтимоий аҳамиятли лойиҳани тақдим этди. Танлов натижалари таҳлил қилинганде, унда иштирок этиш истагини билдирилган ННТ ва фуқаролик жамияти институтлари сони йилдан-йилга ортаётгани, лойиҳаларнинг ижтимоий аҳамияти тобора кенгайиб бораётгани аёнлашди. Демак, мазкур танлов "учинчи сектор" вакиллари янада ташаббускорликка, фаолликка ундамоқда.

— Мазкур танловда "Муруват уйларида яшовчи қарияларга кўрсатиладиган хизмат сифати ва даражасини юксалтириш" номи лойиҳамизни тақдим этиб, голибликни қўлга киритдик. — дейди "Экосан" халқаро хайрия жамоат фонди бошқарув раиси ўринбосари Комилжон Жўраев. — Бу лойиҳа, асосан, Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Қашқадарь ва Фарғона вилоятларида амалга оширилиб, унда Муруват уйларида истиқомат қиляётган кексаларнинг турмуш сифатини яхшилаш, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш учун зарур шарт-шароитлар яратишга алоҳида аҳамият берилди.

Йиғилишда демократик ишлорларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида "учинчи сектор"ни янада ривожлантириш борасида қатор янги ташаббуслар, ғоялар ифода этилган. Унга мувофиқ "Ижтимоий шериклик тўғрисида" ги Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилиниб, бу ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларини татбиқ этишда ННТнинг давлат тузилмалари билан ўзаро ҳамкорлик доирасини кенгайтирди. Бу эса ижтимоий аҳамиятли лойиҳаларни амалга оширишда нодавлат ношароит ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларига ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш имконини берди.

Олий Мажлис ҳузуридаги ННТ

қаролик жамиятини ривожлантириш жараёнларини фаол ёритаётган, аҳоли, айниқса, ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қиляётган, фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтиришга ҳисса қўшаётган оммивий ахборот воситаларини лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш масаласи муҳокамага асосий эътибор қаратилди.

Парламент комиссиясининг йиғилишида жойларда тузилган Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгаши ҳузурида тузилган ижтимоий шериклик бўйича жамоат комиссияларига услубий ёрдам кўрсатиш масаласи кўриб чиқилди.

Тадбир икки босқичдан иборат бўлиб, биринчи босқич Парламент комиссияси ва барча Жамоат комиссияси аъзолари иштирокида республика даражасида ўтказилади. Семинарнинг иккинчи босқичи жадвалга асосан республика миқёсида Парламент комиссияси аъзолари иштирокида ўтказилиши режалаштирилмоқда.

Йиғилиш сўнгида Олий Мажлис ҳузуридаги ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси Давлат гранти, субсидияси ва ижтимоий буюртмасини ажратиш тартиби ва шартлари тўғрисидаги Низомини тасдиқлади.

У.УЗОҚОВА, "Milliy tiklanish" муҳбири

Тадбир

Соғлом авлод — соғлом келажак

Сўнги йилларда юртимизда болалар саломатлигини сақлаш тизимида амалга оширилаётган ишлорлар натижасида тузма нуқсонли чақалоқлар сони 1,3 баробарга камайди. 6-15 ёшли болалар орасида ўткир юқумли касалликлар билан оғриш 34,4 фоизга ва сколиоз билан касалланиш 32,7 фоизга камайди. Бугунги кунда мамлакатимиз болаларининг 92 фоизи ривожланиш кўрсаткичлари бўйича Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти стандартларига тўла мос келади.

Соғлиқни сақлаш вазирилиги ташкил этган матбуот анжуманида педиатрия тизимида эришилган амалга олиш шундай ютуқлар ва истиқболдаги вазифалар ҳақида маълумот берилди.

Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазири А.Алимов ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ишлорлар жараёнида болаларга тиббий ёрдам кўрсатиш сифати ва самарадорлигини ошириш, педиатрияда жаҳон тиббиётининг илғор услубларини жорий этишга қаратилаётган доимий эътибор юксак самаралар бераётганини таъкидлади. Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 1 августдаги "2014-2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлиқини муҳофаза қилиш борасидаги Давлат дастури тўғрисида" ги қарори бу йўналишдаги ишларни янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилмоқда.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган изчил ишлорлар самарасида аҳоли, жумладан, болаларга бирламчи тиббий-про-

филактика, диагностика, даволаш ёрдами кўрсатиш бўйича замонавий тизим барпо этилди. Қишлоқ врачлик пунктлари, оилавий поликлиникалар, худудлардаги кўп тармоқли тиббиёт ва диагностика марказлари, шози-линич ва ихтисослаштирилган тиббиёт масканлари бу йўналишда кенг қамровли чора-тадбирларни ҳаётга татбиқ этмоқда. Айни пайтда юртимиздаги тиббиёт муассасаларида қарийб ўн мингга яқин педиатр, неонатолог, болалар жарроҳи, офтальмолог, невропатолог, стоматолог врач болаларга малакали тиббий ёрдам кўрсатмоқда.

— Авваллари ҳомиладор аёллар саломатлигини тўла-тўқис текшириш фақат пойтахтда амалга оширилган бўлса, энди барча вилоятдаги скрининг марказларида ҳомиладорликнинг 12 ва 14-20-ҳафтасида текширув ўтказилмоқда, — деди Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий марказида ҳам амалга оширила бошланди. Анжуманда қайд этилишича, ҳозирда болаларни ўн битта хавфли касалликка қарши эмлаш режаси тузиб чиқилган. Яқинда миллий эмлаш календарига болалар юқумли касалликларининг олдини олиш мақсадида ротавирус вакцинаси ҳам киритилди. Энди пневмококк, папиллома вируси каби хавфли инфекцияларга қарши икки хил вакцина билан босқичма-босқич эмлаш жорий этилди. Бу эса келажакда юқумли ва онкологик касалликларнинг олдини олишда муҳим аҳамиятга эга.

Тадбирда педиатрия хизмати-нинг бугунги ҳолати ва истиқболдаги илмий-амалий лойиҳалар, тиббиёт муассасаларини модернизациялаш бўйича режалаштирилаётган тадбирлар хусусида маълумот берилди.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ

Солиқ хизмати

"Кўп учрайдиган саволлар"

интерактив давлат хизматидан фойдаланинг!

Бугунги кунда Давлат солиқ қўмитасининг расмий www.soliq.uz сайти орқали 23 йўналишда 59 интерактив хизмат тури фаолият кўрсатиб келмоқда. Бу хизматлар солиқ тўловчиларга янада қулайлик яратиши билан аҳамиятлидир.

Жумладан, "Кўп учрайдиган саволлар" интерактив хизмати воситида солиқ

тўловчилар ўзларини қизиқтирган энг долзарб саволлар ҳамда уларга тайёрланган жавоблар билан танишишлари мумкин. Бугунги кунда мазкур хизмат уч мингдан ортиқ савол ва уларга берилган жавобларни ўз ичига олган.

Тахлиллар шунини кўрсатмоқдаки, жорий йил бошидан буён мазкур интерактив давлат хизматида 900 дан зиёд солиқ тўловчиларнинг 2500 дан ортиқ мурожаати келиб тушган. Савол-жавоблар солиқ тўловчилар эътиборига 5 асосий — "Умумий саволлар", "Солиқ турлари", "Мажбурий тўловлар", "Солиқ

ҳисоботлари" ва "Халқаро солиқ солиш" гуруҳи ҳамда 38 тоифага ажратилган ҳолда ҳавола этилмоқда.

"Кўп учрайдиган саволлар" интерактив давлат хизмати солиқ тўловчиларнинг солиқ хизмати органларига бевосита мурожаатларини осонлаштиради, вақт ва қозони тежайди ҳамда солиқ қонунчилиги борасидаги ҳуқуқий саводхонлигини оширишга хизмат қилади.

Отабек АЛЛАБЕРГАНОВ, Давлат солиқ қўмитаси солиқ олиш методологияси бошқармаси бошлиғи

Бизнинг шарҳ

Сув — ҳаёт манбаи

уни эъзозлаш қадрият



Сув — энг бебаҳо неъмат. Уси нафақат фаровонликни, балки кундалик ҳаётимизни ҳам тасаввур этиш мушкул. Сувнинг инсон саломатлигидаги ўрни беқиёс. Вояга етган инсон танасининг асосий қисми: қоннинг 83 фоизи, тўқма-ларнинг 75, миянинг 74, суякларнинг 22 фоизи сувдан иборат. Ҳатто кўзимизнинг асосий қисмини ҳам сув ташкил этади. Инсон танасида жами қирқ-элик литр сув мавжуд.

Бугун атроф-муҳит муҳофазаси, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, тоза ичимлик суви таъминоти дунё ҳамжамиятини ташвишга солаётган экологик муаммолардан бирига айланган. Зеро, Ер юзининг 71 фоизи сув билан қопланган бўлса-да, унинг асосий қисми шўр денгиз сувлари ҳисобланади: атиги 3 фоизи чўчқ сув захирасидир.

Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотига кўра, бугунги кунда юқумли касалликларнинг 80 фоиздан ортиги айнан ичимлик суви сифатининг пастлиги ҳамда сув таъминотида санитария-гиғиена қоидаларининг қўпол равишда бузилиши оқибатида келиб чиқмоқда. Олимларнинг ҳисоби-ки-тобларига кўра, бир литр оқова сув етти литр табиий суви ифлосланган экан. Бугунги кунда сайёрамиз аҳолиси, унга мос равишда чўчқ сувга бўлган эҳтиёж ҳам шиддат билан ўсмоқда. Айни пайтда келиб жаҳон аҳолиси 7 миллиард 289 миллионга етди. Шаҳар аҳолисининг муттасил ўсаётгани, қишлоқ ҳўжалиги ва саноат эҳтиёжи учун катта миқдорда сув сарфланаётгани, қолаверса глобал иқлим ўзгаришлари, чўлланишининг кучаяётгани чўчқ сув муаммосини келтириб чиқармоқда.

Халқаро сув комиссияси (World Commission on Water)нинг маълумотларига қараганда, бугун ички, шахсий гиғиена учун ҳар бир инсонга кунига ўртача 40 литр сув керак. Бироқ 28 мамлакатда яшовчи қарийб миллиард одам сувдан ана шунча миқдорда фойдаланиш имкониятига эга эмас. Дунёнинг 40 фоиздан зиёд аҳолиси эса чўчқ сув танқис ҳудудларда истиқомат қилмоқда. БМТнинг Озик-овқат ҳамда қишлоқ ҳўжалиги ташкилотининг маълумотларига қараганда, 2050 йилга бориб дунё аҳолиси эҳтиёжини қондириш учун бугунгидан 60 фоиз кўп озик-овқат талаб қилинади. Бу эса, ўз нав-

батиди, қишлоқ ҳўжалигида сувга бўлган эҳтиёжнинг ошишига сабаб бўлади. Ваҳоланки, ҳозирданок аксарият мамлакатлар дарё, кўл ва бошқа сув ресурсларнинг деярли учдан икки қисмини экинларни суғориш учун сарфламоқда.

Чўчқ сув муаммосининг тобора чўқурлашаётгани БМТни амалий чора-тадбирларни қўришга ундамоқда. Мазкур ташкилот 2003 йилни Халқаро тоза сув йили деб ҳам эълон қилди. Қолаверса, ўша йилнинг декабрида бўлиб ўтган БМТ Бош Ассамблеясининг 58-сессиясида 2005-2015 йиллар “Сув ҳаёт учун” халқаро ҳаракатлар ўн йиллиги, деб эълон қилинди. 2013 йилда БМТ ташаббуси билан Венгрия пойтахтида ўтказилган Будапешт сув саммитида БМТ бош қотиби ҳам чўчқ сув манбаларини асраш борасида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди: “Сув барқарор ривожланиш калитидир. Сув бизга соғлиғимизни асраш, озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш ҳамда иқтисодий тараққиёт учун зарур. Шунга қарамай, ҳар йил янги муаммоларга ҳам сабаб бўлмоқда. Бугун дунёнинг 2,5 миллион аҳолиси хароб санитария шароитларда истиқомат қилмоқда. Тахминан 1 миллиард одам сув қувурлари ва канализация тизимидан бутунлай маҳрум. Қолаверса, инсоният дунёда мавжуд сув захирасининг 3 фоизини ташкил этувчи чўчқ сувнинг атиги 0,3 фоизидан фойдаланиш имкониятига эга. Глобал иссиқ, инсон омилли туфайли 2030 йилга келиб дунё аҳолисининг деярли ярми сув танқислиги муаммосига дуч келиши мумкин”.

Бугунги кунда аксарият мамлакатлар ер устки чўчқ сув манбаларига эга эмаслиги боис, ер ости сувларидан фойдаланишга мажбур бўлмоқда. Европа Иттифоқида барча турдаги сувнинг 70 фоизи ер ости манбалардан олинмоқда. Масалан, Дания, Литва ҳамда Австрияда ер ости суви аҳоли истеъмол қиладиган чўчқ сувнинг асосий манбаидир. Мароқашда чўчқ сувнинг 75 фоизи, Тунисда 95 фоизи, Саудия Арабистони ва Мальтара эса қарийб 100 фоизи ер ости манбалардан олинади. Ер ости сув манбалари сайёрамизнинг барча ҳудудига учраса-да, бироқ улар ҳамма жойда ҳам қайта тикланиш хусусиятига эга эмас.

Бразилия, Россия, Канада, Хитой, Индонезия, АҚШ ва Ҳиндистон сув ресурсларига бой мамлакатлардир. Бироқ мазкур мамлакатларда кўп миқдорда саноат чиқиндилари чиқарилмоқда. Оқибатда, бугун мазкур мамлакатлар ҳудудидаги дарёлар суви жиддий ифлосланган. Жаҳон Ёввойи табиат жамғармаси(WWF)нинг маълумотларига кўра,

Хитойдаги Янзи дарёси дунёдаги энг ифлосланган дарёлар қаторидан ўрин эгаллаган. Улар қаторига Осиёдаги Меконг ва Ганг, Европадаги Дунай ҳамда Шимолий Америкадаги Рио-Грандени ҳам киритиш мумкин.

БМТнинг Озик-овқат ва қишлоқ ҳўжалиги ташкилоти(ФАО) маълумотларига қараганда, Осиё қитъаси сув захиралари бўйича дунёда иккинчи ўринни эгаллайди. Дунё бўйича суғориладиган қишлоқ ҳўжалик ерларининг 70 фоизи мазкур қитъада жойлашган. Қитъада сув ресурсларининг 6 фоизи аҳоли эҳтиёжи учун, 10 фоизи саноат, 84 фоизи эса қишлоқ ҳўжалиги экинларини суғоришга сарфланмоқда. 2050 йилга бориб дунё аҳолиси 9 миллиардга етиши, ундан қарийб 5 миллиардин эса осийликлар ташкил этиши кутилмоқда. Аҳолининг ўсиши эса, ўз навбатида, озик-овқат маҳсулотларига бўлган талабнинг ошишига ҳам сабаб бўлади. Бугун Осиёда биргина шолкорлик учун катта миқдорда сув сарфланмоқда. Агар Хитойда 1960 йилда 2,5 миллион тонна шол иштирилган бўлса, 2006 йилга келиб бу кўрсаткич 80 миллион тоннага етди. Бир килограмм гуруч олиш учун 3 минг литр сув талаб этилишини ҳисобга олсак, муаммо анчайин жиддий эканини англаш қийин эмас.

Ҳиндистонда сайёрамиз аҳолисининг 16 фоизи истиқомат қилади. Бироқ мамлакат дунё чўчқ сув захирасининг бор-йўғи 4 фоиздан фойдаланиш имкониятига эга. Ҳиндистон ҳамда Покистон чўчқ сув захирасининг асосий қисми — Помир ҳамда Ҳимолай тоғларида, 4 минг метр баландликдаги муз қояларида тўпланган. Чўчқ сув муаммоси туфайли мазкур мамлакатларда музликларни эритиш масаласи устида ҳозирданок жиддий иш олиб борилмоқда.

Чўчқ сув танқислиги Африка қитъасининг энг асосий муаммоларидан бирига айланган маълум. Бу ерда ҳар олтинчи одамгига тоза ичимлик сувида фойдаланиш имкониятига эга. Қитъа марказида жойлашган Чад Республикасида мамлакат номи билан юритилувчи кўл 30 миллион аҳоли учун асосий сув манбаи саналади. Бироқ чўлланиш, иқлим ўзгаришлари, кўл сувидан беаёв фойдаланиш туфайли унинг майдони сўнгги ўттиз йил ичида ўндан бирга қисқарди. Сахрои Кабирнинг жанубий қисмида сув ресурслари билан боғлиқ муаммоларнинг юзага келаётганини мазкур минтақада жойлашган мамлакатларнинг камжарж, арзон, самарали сув тортувчи насосларга эга эмаслиги билан ҳам изоҳлаш мумкин. Масала шу даражада оғирки, бугун ушбу қитъанинг айрим ночор ҳудудлари аҳолиси нафақат электрон насослардан, балки электр токидан ҳам бутунлай маҳрум. Қитъадаги сув танқислиги муаммоси нафақат одамларнинг ҳаёти ва соғлиғига хавф солмоқда, балки ижтимоий муаммолар юзага келишига ҳам олиб келаётир. Сабаби болалар ҳар кун сув олиб келиш учун бир неча қақирим масофани пиеда босиб ўтишига, қолаверса, суви қўлбола насослар воситасида торти олиш учун эса анча вақт сарфлашига тўғри келмоқда. Ана шундай экологик ва сувсизлик муаммолари, рўзгор ташвишлари боис африкалик болаларнинг аксарияти мактабга бориш имкониятидан маҳрум.

Мексика аҳолисининг деярли чорак қисми истиқомат қилувчи пойтахт Мехико анча вақтдан буён чўчқ сув муаммосига дуч келмоқда. Сабаби шаҳар сув манбаларидан анча узокда жойлашган. Шу боис ичимлик суви 150 метрли ер қаридан махсус насослар воситасида тортиб чиқарилади. АҚШда кундалик фойдаланиладиган сувнинг деярли ярми қайта тикланмайдиган сув манбаларидан олинмоқда. Яқин йиллар ичида мамлакатнинг 36 штати сув билан боғлиқ жиддий муаммога дуч келиши башорат қилинмоқда. Ҳозирги кунда чўчқ сув муаммоси, айниқса, Калифорния, Аризона, Невада штатлари ҳамда Лас-Вегас шаҳрида намоён бўлаётир.



ДУНЁДАН ДАРАКЛАР

Ўрмон ёнгинлари бартараф этиладими?

Афина шаҳри атрофида юз бераётган ўрмон ёнгинлари оқибатида пойтахт тугун остида қолди. Юзлаб аҳоли турар жойларини тарк этишга мажбур бўлди. Икки киши ҳаётдан кўз юмди.

Ёнгин Афина шаҳридан ўзлаб қақирим узоқликдаги Иммитос тоғи ўрмонларида келиб чиққан. Ёнгинни ўчиришга ўнлаб ўт ўчирувчилар, вертолёт ҳамда кутқарувчилар гуруҳи жалб этилди. Яна бир ёнгин ўчоғи пойтахтдан 300 қақирим узоқликда, Пелопоннес ярим ороли жанубида қайд этилган. Сўнгги маълумотларга кўра, Греция ўрмон ёнгинларини бартараф этиш юзасидан ёрдам сўраб Европа Иттифоқига мурожаат қилган.



Акула ташланиб қолди

Жанубий Африка Республикаси соҳилларида ўтказилган сёрфинг бўйича “J-Bay Open” мусобақасида қутилмаган воқеа содир бўлди. Сёрфинг бўйича уч қарра жаҳон чемпиони австралиялик Майкл Фэннинг акула ҳужумига учради.


Фэннинг мусобақада эндигина ўз иштирокини бошламоқчи бўлганда акула унинг орқасидан ҳамла қилиб қолди. Спортчи айтарли жароҳат олмади — кутқарувчилар етиб келгунга қадар акула таъкибидан қочиб кетишга муваффақ бўлди. Мазкур воқеа сабаб мусобақа қолдирилди. Эслатиб ўтамиз, 2013 йилда ҳам ушбу мамлакатдаги Жеффри бўғози яқинида оқ акула ҳужум қилган, оқибатда сузувчилардан бири ҳалок бўлган эди.



Энг қиммат узум эгасини топди

700 грамм келадиган бир шингил узум Японияда аукционда 1 миллион иен, тахминан 8 минг 200 АҚШ долларига сотилди.

Мазкур “Рим ёқути” нави узум япониялик селекционерларнинг фаҳри ҳисобланади. Узум доналари жуда ширин бўлиб, биттасининг ўлчами стол тенниси коптокчасидек келади. Узум нави фақат бир жойда етиштирилади. Ундан йилга бир неча шингил ҳосил олинади, ҳолос. Узумни қўлга киритган маҳаллий ресторонлардан бирининг бош ошпази ҳар бир узум донасига 300 доллардан тўлади.




Рангин дунё

АҚШдаги Миллий аркалар хиёбони Юта штатида қарашли Маоб шаҳри яқинида жойлашган. Чўқур қаньонлар, сийрак ўрмонлар, баланд қоялар, айниқса, сув ва шамол таъсирида ҳосил бўлган тош ҳайкаллар бу ерга ўзгача фусункорлик бағишлаган. Айниқса, қум ва тошлардан ҳосил бўлган 2 мингдан зиёд табиий аркалар ҳар қандай сайёҳни ҳайратга солиши табиий. Тахминан 300 миллион йил бурун миллий хиёбон ҳудудида денгиз бўлган. Денгиз суви баъзида буғланиб, бир неча метр баландликдаги туз қатламларини ҳосил қилган. Кейинчалик геологик ўзгаришлар, эрозия туфайли табиат ана шундай мўъжизалар ҳосил қилган.

Аркалар минг йиллардан буён сайёҳларни ўзига жалб этиб келади. Қадимги одамлар бу ерда бундан 10 минг йил аввал, муз даври охиридан бошлаб кўним топа бошлаган. Сабаби одамлар бу ерда меҳнат қуроллари ясаш учун ниҳоятда қулай бўлган кремний ва кварц маъданларини топиб олишди. Кейинчалик эса улар бу ерда деҳқончилик билан шуғуллана бошлаган. Испанлар ҳозирги миллий хиёбон ҳудудида қадими етган илк европаликлар

бўлиб, бу ерни 1775 йилда кашф этишган. Мазкур ҳудудни асраш ҳамда уни ҳимоя қилинадиган ҳудудга айлантириш ташаббусини эса илк марта шаҳридаги маҳаллий газетанинг бош муҳаррири — Лорен Тейлор илгари сурган. У ўз мақоласи билан мазкур ҳудуднинг гўзаллиги ва аҳамиятини биринчилардан бўлиб тилга олади. Фақат 1971 йилга келибгина мазкур ҳудудни миллий хиёбонга айлантириш ҳақидаги фармонга имзо чекилади.

Сирли аркалар хиёбони



Табиат ҳосил қилган тош аркалар денгиз сатҳидан 1200-1700 метр баландликда жойлашган. Бу ердаги энг йирик арканинг узунлиги — 85, энг кичигининг узунлиги эса бир метр келади. Хиёбондаги энг

машҳур арка — Нафис арка бўлиб, у бошқа табиат мўъжизаларидан кескин фарқ қилади. Арканинг бир “оёғи” иккинчисидан йўғнороқ. Арка устунлари ниҳоятда ингичка: унинг энг ингичка қисми 1,8 метр. Шу

боис мазкур арканинг нураб тулаш эҳтимоли йўқ эмас. Сайёҳлар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида 1991 йилда унга олиб борадиган йўл беркитилган.

Узум — камқонликда даво

“Мевалар нақши” деб таъриф берилган узум нафақат хушхўр мева, балки кўпгина хасталикларда, шунингдек, моддалар алмашинуви бузилганида яхши наф беради. Айниқса, буйрак, қовуқ, ичак оғриғидан фориғ этиш, пешоб ва сафро ҳайдаш хусусиятига эга. Унинг шираси танани мустаҳкамлаб, кўнгил айнишини бартараф этади.



Паришонхотирлик, туз тўпланишининг олдини олишда ҳам узум истеъмол қилиш тавсия этилади. Узумнинг таркибида 150 дан ортиқ биологик фаол модда мавжуд. Турларига қараб, таркибида 20 фоизгача қанд, оксил, ёғ, шунингдек, органик кислоталар, турли дармондорилар бор. Узумнинг асосий хусусияти — таркибида кислоталарнинг кўплиги. Улар нафас олиш йўллари билан энгил қитиклайди. Шу сабаб узум балғам кўчишини осонлаштиради ва йўтални юмшатади. Таркибида қанд кўплиги боис унинг шарбати заифлашган беморларга дармон бўлади, бироқ у қандли диабет билан оғриган беморларга тавсия этилмайди. Узум турли минерал тузларга бой. Айниқса, калий кўп. Шу сабабли юрак-ишемик касалликларида қўл келади, камқонликда тавсия этилади. Шунингдек, ток новдаларидан олинган шарбат сочни ўстиради ва мустаҳкамлайди.

Буни қарангки, узумнинг гўраси ҳам фойдали экан: у сафрони ҳайдайди, чанқокни босади, меъда (ошқозон), жигарга қувват бағишлайди. Барги эса томоқ шамоллаганда наф беради. Бундан ташқари, турли яра ва жароҳатларни даволашда ҳам қўл келади. Токнинг ёш барглари ва новдалари гипертония ҳамда қандли диабетни даволашда айна мудоадир.

БИЛАСИСМИ?

- Катта одам танасидаги асаб толарининг умумий узунлиги 75 километрга етади.
→ Тўйиб овқатланган одамнинг эшитиш қобилияти пасаяди.
→ Кунга бир қадоқ тамаки истеъмол қилган инсон йилига бир пиёла қатрон (смола) ичганчалик заҳарланади.

ТУРФА ОЛАМ

Энг узун ойнаванд кўприк

Хитойнинг жануби-шарқий қисмида жойлашган Хунань вилоятида ойнаванд асалган дунёдаги энг узун кўприк қурилмоқда.

Мақсад — мазкур худудда туризм соҳасини янада тараққий эттириш, сайёҳларга кўшимча имкониятлар яратиш. Ойнали кўприк бир қарашда нозик кўринади, аслида эса бир вақтнинг ўзида 800 кишини кўтаришга мўлжалланган. Исроилнинг “Haim Dotan” фирмаси архитектурлик лойиҳаси ҳисобланган мазкур кўприк Чжанцзяцзе шаҳар округига қарашли 400 метр баландликдаги Катта дара устида қурилмоқда. Кўприкнинг узунлиги 370, эни эса 6 метрни ташкил қилади. Қурилиш ишлари 2015 йилнинг июль ойида низоҳасига етиши режалаштирилган. Кўприк шу йилнинг октябрь ойида расман очилади. Ҳозирда ноқ мазкур лойиҳага “дунё мўъжизаси” сифатида баҳо берилмоқда.



“Ақлли” оёқ кийими

Хитойнинг спорт пойабзаллари ишлаб чиқарувчи “Li Ning Company Limited” ҳамда смартфон ишлаб чиқарувчи “Xiaomi” компаниялари ҳамкорлигида “ақлли” кроссовкалар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.



“Smart Shoes” деб ном олган бу кроссовкалар смартфонга Bluetooth орқали уланади, қадамлар сони, босиб ўтилган йўл ва бунинг учун сарфланган калорияларни ҳисоблай олади, жисмоний юклама турларини фарқлайди. Мутахассисларнинг фикрича, кроссовканинг тағчарида жойлашган ҳисоблагичларни қувватлаб бўлмайди, бироқ аккумулятор қуввати тахминан бир йилга етади. Кроссовкалар 30 ва 60 доллардан сотилиши айтилмоқда. Нарҳдаги тафовутнинг сабаби ҳозирча маълум қилинмапти.

Ш. ГАФФОРОВ тайёрлади

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Марказий кенгаши Ижроия қўмитаси девони партия биносига автоматик дарвоза ўрнатиш ҳамда 50000 дон партиянинг аъзолик гувоҳномаси (очик ҳолатда 15x11 см ўлчамдаги, 250-300 гр., устки қавайти винил билан қопланган, партия рамизи туширилган) ва ҳисоб варақасини (20x15 см ўлчамдаги, 300-350 гр. картон қоғозда, рангли, 4+0) тайёрлаш бўйича тендер эълон қилади.

Телефонлар 239-45-77, 277-60-15

ЎзМТДП Андижон вилоят кенгаши партия вилоят кенгаши аъзоси Баҳодир Исроиловга онаси

КОРИЯХОН аянинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Кутубхонада бир кун

Маънавият ва тафаккур маскани

...Очилиши айтсам, кутубхонага бунчалик кўп китобхон келишини тасаввур қилмаган эдим. Эшикдан кираришдаги ўтиш жойида тахминан 10-15 дақиқа кутиб қолдим. Турнақатор навбат. Асосан ёшлар. Шунинг ўзиёқ “бугунги ёшлар китоб ўқимай кўйди”, деган таъналар қанчалик ўринли ё ноўрин экани ҳақида ўйлаб кўришга ундайди...

БАРЧАСИ КИЙИМ ИЛГИЧДАН БОШЛАНДИ

Кутубхонага кираришда дастлаб, кутубхона консултант-маслаҳатчиси қарши олади. Ундан кутубхонадаги фойдаланиш тартиби, рўйхатдан ўтиш ва бошқа масалаларда ёрдам олиш мумкин. Бу, айниқса, бу ерга биринчи бор келаятган китобхон учун айна мудоао. Эшикдан киришнинг билан, ўнг томонда — рўйхатга олиш бўлими. Бу жараён кўп вақтни олмайд. Бунинг учун шакли тасдиқловчи ҳужжат (паспорт ёки тўғилганлик ҳақидаги гувоҳнома) билан келиш керак. Кутубхона ходимлари махсус ускуна ёрдамида суратга олиб, у ҳақида керакли маълумотларни қайд этгач, “ID” карта — кутубхонадан фойдаланиш учун рўйхатнома беради. Рўйхатнома икки хил кўринишда. Қалин ёки қоғозга ламинация қилинган оқ-қора тасвири картонка учун 5 минг, рангли картонка учун эса 9 минг сўм тўланади. Ана шу рўйхатнома ёрдамида кутубхонанинг барча хизматидан уч йилгача фойдаланиш мумкин.

Биринчи қават. Даставвал, китоб музейи ва кўргазмалар залига кўзингиз



ди, унинг бўлимлари ва хизмат кўрсатиши такомиллаштирилди, вазибалар кўлами кенгайтирилди.

Кутубхона бир қарашдаёқ одамни ўзига ром этади. Фойдаланувчилар учун консултация хизмати йўлга қўйилган бўлиб, уларга ўзингизни қизиқтирган исталган савол билан мурожаат қилишингиз мумкин. Кенг ва ёруғ ўқув заллари замонавий ахборот коммуникация воситалари билан жиҳозланган. Ўқув залларининг ҳар бирида китобларни ҳам босма, ҳам электрон кўринишда мурожаат қилиш, улардан нусха кўчириш учун шароит яратилган. Буларни кузата туриб, беихтиёр кўлимда отамнинг ўғитлари янграгандек бўлади: “Ўғлим, бизнинг ҳам ўқишга иштиёқимиз, ҳавасимиз баланд эди, ammo у пайтларда 10-15 кишига битта китоб тўғри келарди. У ҳам бўлса, йиртик, эскириб увадаси чиққан...”

Бугун эса кутубхона жавонлари лиқ

ларининг босма ва электрон кўринишдаги нусхалари жой олган.

Сурхондарёлик абирутир Камолдин Сунонов Тошкентга биринчи бор келиши. Ўтган йили ҳужжатларини Термиз давлат университетига топшириб, имтиҳонлардан ўта олмаганди. Шу боис бу йил тайёргарликка зўр берган. У отаси каби ўқитувчи бўлмоқчи. Низомий номидаги ахборот коммуникация воситалари билан жиҳозланган. Ўқув залларининг ҳар бирида китобларни ҳам босма, ҳам электрон кўринишда мурожаат қилиш, улардан нусха кўчириш учун шароит яратилган. Буларни кузата туриб, беихтиёр кўлимда отамнинг ўғитлари янграгандек бўлади: “Ўғлим, бизнинг ҳам ўқишга иштиёқимиз, ҳавасимиз баланд эди, ammo у пайтларда 10-15 кишига битта китоб тўғри келарди. У ҳам бўлса, йиртик, эскириб увадаси чиққан...”

— Бу ер тинч ва хар томонлама қулай. Чунки имтиҳонда менга асқотиши мумкин улгурмасам, электрон нусхасини флешкага ўтказиб ёки қоғозда чоп этиб беришларини сўрайман. Очиксам — буфет бор, чарчасам — дам олиш хонаси.

Одина Ҳамидованинг айтишича, кутубхона ҳар бир ўқув зали номланишига қараб, босма ва электрон китоблар фонди билан бойитиб борилади. Масалан, “Адолат” ўқув залида ҳуқуқий мавзудаги адабиётлар, даврий нашрлар жой олган бўлса, илмий иш билан шуғулланаётган магистрант ва тадқиқотчилар “Илм” ўқув залидан фойдаланади. Санъатга қизиқувчи китобхонлар учун “Ижод” ўқув зали айна мудоао. Бу залда мусиқий нота, грампластинка ва аудиодисклар билан биргаликда кино, театр, балет санъати, тасвирий санъатга оид асарлар мавжуд. Бу китобхоналарга хар жиҳатдан қулайлик туғдиради. Яъни, фойдаланувчи ўзи учун энг зарур китобга буюртма бериб, қолган кўшимча адабиётларни зал фондидан топши мумкин. Масалан, “Тафаккур” ўқув залининг китоб фонди 35 мингдан ортиқ бўлиб, унда китобхонлар энг кўп сўрайдиган, долзарб мавзуларга бағишланган ўзбек ва рус тилларидаги адабиётлар жамланган.

Бундан ташқари, кутубхонадаги “Жаҳон” хорижий адабиётлар залида 75 тилда нашр этилган 375 мингдан зиёд хорижий адабиётлар фойдаланувчилар иктиёрида. Бу китобларнинг 60 фоизидан ортиги инглиз тилида. Шунингдек, чет тилни ўрганувчилар TOEFL, IELTS, GRE, GMAT, SAT, LSAT, MCAT, ACT, CUTTING EDGE ва бошқа ресурслардан фойдаланишлари мумкин.

ЮҚОРИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР — ҲАР БИР СОҲАГА

Миллий кутубхона Польша, Қозоғистон, Озарбайжон, Миср, Латвия, Туркменистон, Украина, Шанхай кутубхоналари билан Ўзбекистондаги Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тараққиёт дастури асосида имзоланган ҳамкорлик шартномалари бўйича халқаро алқалар олиб бормоқда. 2014 йил давомида кутубхонанинг 15 мутахассиси ўз йўналиши бўйича хорижда малака ошириб қайтди.

Жорий йилнинг 22-23 апрель кунлари Тошкентда “Central Asia — 2015” “Фан,



ТАХРИР ХАЙЪАТИ: Сарвар ОТАМУРАТОВ, Илхом АБДУЛЛАЕВ, Ахрор АҲМЕДОВ, Сувоно НАЖИДДИНОВ, Мухаммадхон ҚУРОНОВ, Улуғбек МУХАММАДИЕВ, Ақмал САИДОВ, Жалолдин САФОВЕВ, Рустам ҚОСИМОВ, Исмаи АҲМЕДОВ, Эркин ДОРИПОВ, Абдуғафур МАМАТОВ, Арслон ЭШМУРОДОВ

Бош муҳаррир: Бехзод НОРБОВ
ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент-100000, Амир Темури кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй
Телефонлар: (0-371) Кабулхона (факс): 234-69-55. Парламент ва маҳаллий кенгаш депутатлари фаолияти бўлими: 234-01-47. Партия хабар бўлими: 234-36-41. Маданият, маънавият ва ахборот бўлими: 234-87-73. Бош муҳаррир биринчи ўринбосари: 234-87-74, Бухгалтерия: 234-87-73.
Ҳажми 4 босма табоқ офсет ускулида босилди. Қоғоз бичими А-2
«ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй